

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

СамДУ ректори

проф.

Р.И.Халмурадов

2022 йил

09.00.02 - “ОНГ, МАДАНИЯТ ВА АМАЛИЁТ ШАКЛЛАРИ
ФАЛСАФАСИ” ИХТИСОСЛИГИ БЎЙИЧА ДОКТОРАНТУРАГА
КИРИШ СИНОВЛАРИ УЧУН МАХСУС ИХТИСОСЛИК
ФАНЛАРИДАН

ДАСТУР ВА БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

САМАРҚАНД – 2022 й.

Аннотация

09.00.02-Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси ихтисослиги бўйича кириш имтихони илмий-педагогик кадрларни давлат аттестациясидан ўтказишнинг таркибий қисмидир. Инсон онги ва маданияти, ахлоқий-эстетик моҳиятини чуқур англаш юксак малакани шакллантиришни тақозо этмоқда. Айни пайтда бу жараён онг, маданият, амалиёт шакллари бўлмиш этика, эстетика, диншунослик фанининг методологик асослари ҳамда илмий мазмунини миллий ва умуминсоний тамойиллар билан муштараклигини таъминлашни талаб этади.


09.00.02-Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси ихтисослиги бўйича тузилган докторантурага кириш дастури фалсафа фанининг кенг тармоқлараро соҳаларини қамраб олиб, илмий ходимни юқори малакали мутахассис бўлиши учун энг муҳим билимларни ўз ичига олади. Имтихон топширувчи тадқиқотчи юқори даражада назарий ва амалий тайёргарликка эга бўлиши, маданий, ахлоқий, эстетик, диний билимларни эгаллаш орқали жамият ҳаётидаги ижтимоий жараёнларга фалсафий тафаккур нуқтаи назаридан ёндашиши лозим. Мавқур дастур онг, маданият, этика, эстетика ва диннинг назарий ва амалий хусусиятларини англаб етишида докторантлар учун ўзига хос аҳамият касб этади. Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафасига онд билимларнинг замонавий устувор йўналишлари ҳақида билим ва кўникмага эга бўлиш ва улардан амалий фаолиятда фойдаланиш малакаларини шакллантиришда иборат.

ТУЗУВЧИЛАР:

Самадов А.Р.

Яхшиликков Ж.Я.

Жўраев Л.Н.



СамДУ, Фалсафа ва миллий ғоя кафедраси, фалсафа фанлари доктори, доцент.

СамДУ, Фалсафа ва миллий ғоя кафедраси фалсафа фанлари доктори, профессор.

СамДУ, Фалсафа ва миллий ғоя кафедраси фалсафа фанлари доктори, доцент.

Дастур Психология ва ижтимоий-сиёсий фанлар факультетининг 2022 йил 6 сентябрдаги №1 сонли Кенгаш йиғилишида муҳокама қилинган ва тасдиқлашга тавсия этилган.

КИРИШ

09.00.02-Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси ихтисослиги бўйича кириш имтихони илмий-педагогик кадрларни давлат аттестациясидан ўтказишнинг таркибий қисмидир. Инсон онги ва маданияти, ахлоқий-эстетик моҳиятини чуқур англаш юксак малакани шакллантиришни тақозо этмоқда. Айни пайтда бу жараён онг, маданият, амалиёт шакллари бўлмиш этика, эстетика, диншунослик фанининг методологик асослари ҳамда илмий мазмунини миллий ва умуминсоний тамойиллар билан муштараклигини таъминлашни талаб этади.

Янги Ўзбекистоннинг “2030 йилга қадар глобал инновацион индекс рейтингда дунёнинг етакчи давлатлари қаторига киришдек улкан мақсадга эришишда инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган стратегик режа эълон қилинди”¹. Юқори малакали илмий ва муҳандис кадрларни тайёрлашда инсон онги, маданият, унинг келиб чиқиши, моҳияти, асосий қонуниятлари, категориялари, функциялари, уларнинг ўзаро мутаносиблиги ва ўзига хос хусусиятлари, маданий маконнинг назарий моделлари, унинг структуравий элементларини ўрганишда амалиёт шакллари фалсафаси муҳим аҳамият касб этади.

АСОСИЙ ҚИСМ.

ОНГНИНГ СТРУКТУРАСИ ВА НАМОЁН БЎЛИШ ШАКЛЛАРИ

Инсон борлигининг ўзига хос хусусиятлари. Фалсафа тарихида инсон борлигига муносабат. Инсон маънавий борлиги. Онгнинг табиати. Онг ҳақидаги тасавурларнинг ривожланиши. Онгнинг структураси ва функциялари. Ижтимоий жараёнларда онглик ва онгсизликнинг намоён бўлиши. Онгсизликнинг табиати. Индивидуал онг борлиги. Ижтимоий онг борлиги. Рационаллик ва иррационализм. Онг бош мия функцияси сифатида. Онг фалсафий муаммо сифатида. Онгнинг материалистик концепцияси. З.Фрейд концепцияси. Тил ва онг. Ўзликни англаш.

ЖОН ВА РУҲ ИНСОН МАВЖУДЛИГИНИНГ АСОСИ

Жон ҳақидаги фалсафа. Онг ва жоннинг тенглаштирилиши. Жон ҳақидаги илк фалсафий тасавурлар. Жон ва руҳ ҳақида. Гилозоизм таълимоти. Жоннинг танада пайдо бўлиши ҳақидаги таълимот. Ўрта асрлар фалсафасида жон – дунёвий ва илоҳий фаолият ўртасидаги боғловчи бўғин сифатида. Жон ва руҳ ҳақида Ибн Синонинг қарашлари. Инсон руҳи ва жони тўғрисида космополитик қарашлар.

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент. O'zbekiston. 2021, 240-бет.

МАДАНИЯТНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА УНИНГ ФАЛСАФИЙ МОХИЯТИ

Маданият тушунчасининг пайдо бўлиши. "Маданият"га берилган таърифлар. Маданият тушунчасининг талкинлари. Маданиятшунослик фанининг ижтимоий гуманитар фанлар билан ўзаро алоқадорлиги. Маданиятшунослик фанининг назарий ва ғоявий асослари. Маданиятнинг тарихий, фалсафий, ижтимоий, аксиологик ва антропологик талқини. Маданиятнинг инсон маънавий қиёфасига таъсири. Маданий муносабатлар ва мулоқотлар. Янги Ўзбекистон йўли – янги маданият тизимини шакллантирувчи бош омил. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев инсон ўзгарса жамият ўзгариши тўғрисида. Маданиятшуносликнинг асосий вазибалари: оламни ўзлаштириш ва қайта ўзгартириш; ҳимоя-мослашув; сигнификатив; ахборотларни яратиш ва тўplash; коммуникативлик. "Маданиятшунослик"нинг аҳамияти: маданият мустақиллиги; жамият ва маданият ўртасидаги интеграция.

МАДАНИЯТНИНГ ТАРИХИЙ ТИПЛАРИ ВА ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ

Маданият тарихи – инсоният тарихининг таркибий қисми. Маданиятнинг кўринишлари: миллий, минтақавий, умуминсоний. Маданият ва цивилизация. Маданиятга цивилизацияон ёндошув. Минтақавий маданиятлар. Маданиятлар диалог. Шарқ ва Ғарб маданиятларининг ўзаро таъсири. Маданиятга цивилизацияон ёндошув. Дунё маданий тараққиётининг тарихий босқичлари: ибтидоий маданият; қадимги давр маданияти; антик маданиятда ҳиссиёт ва ақл, ижтимоийлик ва индивидуаллик уйғунлиги. Марказий Осиё халқларининг қадимги маданияти; Ислон маданияти; Ўрта аср маданиятининг ўзига хослиги. Амир Темур ва темурийлар даври маданияти (XIV асрнинг иккинчи ярми, XV аср); XV-XIX асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиё минтақаси халқлари маданияти, модернизм ва постмодернизм маданияти. (XVI-XXI асрлар); мустанлава ва мустанбид тузум шароитида маданият. Уйғониш даври маданияти. Уйғониш даври Шарқ ва Ғарб маданиятида гуманизм ғояси. Янги давр маданияти. Янги давр маданиятида технократлашув жараёни. Янги давр маданиятида фан ва билимга муносабат. Собик Иттифок давридаги ўзбек маданияти ва унга коммунистик мафкуранинг таъсири. Мустақиллик даври ўзбек маданиятининг ўзига хос кўринишлари: афганавийлик ва замонавийлик. Маданий трансформация.

МИЛЛИЙ-ЭТНИК МАДАНИЯТ

Маданият ва этнос. Халқ - этник умумийликнинг бош шакли. Этнос - умумий тил ва маданиятни шакллантирувчи омил. Этник ва миллий маданият. Этнос - этногенетик ва маданий бирлик. Этник маданият энг қадимги маданият шакли. Консерватизм, ворисийлик, маданий илдизларни сақлашга мойиллик - этник маданиятнинг ўзига хос кўриниши. Этномаданий стереотиплар: автостереотиплар (ўз халқ маданияти ҳақидаги фикр), гетерестереотиплар (бошқа халқлар маданияти ҳақидаги фикр). Этник маданият миллий маданиятнинг бошланғич асоси. Этник маданиятдаги бегоналашув. Этник маданиятнинг ҳозирги замонда намоён бўлиши (музейлардаги экспонатлар, турли кўшиқлар, қуйлар). Этномаданият миллий маданиятнинг бошланғич асоси. Миллат - этномаданий бирлик. Маданият ва мулоқот. Этник ва миллий маданиятдаги фарқлар ва ўзаро алоқадорлик. Фан, таълим, санъат ишлаб чиқаришнинг ривожланиши маданий тараққиёт қафолати. Миллатлараро муносабатлар маданияти. Мерос - дунё халқлари учун умуминсоний мулк. Мероснинг тарихан ўзгариб бориши. "Буюк ипак йўли" маданияти - Ўрта Осиё маданиятининг узвий қисми. Бу маданият Эрон, Ҳиндистон, Ўрта Осиё ва Хитой маданиятини кескин равишда ўзгартиришга сабаб бўлгани. Меъморчиликка оид ўтмишдаги ва бугунги иншоотлар, уларнинг тарихи, фарқлари, ўз даври учун ноёб ҳодиса экани – маданий тараққиётнинг муҳим белгиси. Маданий мерос - инсониятнинг ўтмиш билан чамбарчас боғлиқлиги натижаси. Маданий мероснинг механизми. Маънавий мероснинг узвийлиги. Ўтмишдан келажакка ўтиш жараёнида мероснинг мазмунан ўзгариши.

МАДАНИЯТ РИВОЖЛАНИШ ҚОНУНЛАРИ ВА ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ

Маданиятнинг турлари: моддий маданият; маънавий маданият; моддий ва маънавий маданиятнинг ўзаро боғлиқлиги. Инсоният тараққиётида моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлиги. Маънавий фаолият - моддий маданият махсули сифатида. Дин, санъат, ҳуқуқ, сиёсатнинг маънавий маданият шаклланишидаги роли. Моддий маданият тақомилида «буюк индустриал инқилоб»нинг ўрни. Ахборот жамияти маданияти ва унинг кўринишлари: интернет; телевидение; радио; матбуот. Моддий маданиятнинг кўринишлари. Моддий маданият тарихий жараён сифатида. Маънавий маданиятнинг шакллари. Маданиятшунослик фанининг қонуниятлари. Маданий ривожланишнинг тарихий давр ва босқичлар билан алоқадорлиги қонуни. Маданий амалиётдаги инкор ва ворислик қонуни.

"Маданий фаолият" тушунчаси ва унинг шакллари. Меҳнат маданиятининг тарихий ривожланиши. Жисмоний ва ақлий меҳнат маданияти. Бошқариладиган меҳнат ва унинг шакллари: директив (фаолиятни билмайдиган ва билишни хохламайдиган персонал), ўргатувчи (фаолиятни билмайдиган, лекин билишни хохлайдиган персонал), стимулятив (билувчи,

лекин ҳохламайдиган персонал) делегиратив (билувчи ва хоҳловчи персонал). Мутолаа маданияти. Муомала маданияти. Кундалик билим эгаллашнинг маданий асослари. Маншай турмуш маданияти. Хизмат кўрсатиш маданияти. Спорт –жисмоний маданиятни шакллантиришнинг замонавий воситаси. Маданиятнинг соҳалар бўйича таснифи; иқтисодий маданият; сиёсий маданият; касб маҳорати маданияти; педагогик маҳорат маданияти; экологик маданият. Маданиятнинг ижтимоий характери. Иқтисодий маданиятнинг ўзига хос хусусиятлари. Ахлоқий маданият: кадриятлар, нормалар, тамойиллар, зиддиятлар. Экологик маданият ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Хуқуқий маданият – фуқаролик жамиятининг асосий мезони. Спёсий маданият – давлат барқарорлиги ва фуқаролар фаровонлигининг асоси. Давлат рамзларига ҳурмат сиёсий маданиятлик белгиси сифатида. Инсон-табиат тизимида экологик маданиятни шакллантириш зарурати. Маданият функциялари: ахборот, адаптив, коммуникатив, интегратив, ижтимоийлашув функциялари.

МАДАНИЙ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛЛАРИ, ТУРЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ

Маданиятнинг беш ўлчовли моделлари: билим, таълим-тарбия, кадриятлар, бошқарув, тил. Билим инсон маданийлашувиининг бош омили. Билимнинг турлари: кундалик, мифологик, диний, илмий, ижтимоий, шахсий билим кадриятларга муносабатни шакллантирувчи мезон. Тарбиянинг маданийлашув жараёнидаги рол. Ижтимоий муҳит ва маданий тарбия уйғунлиги. Таълим ва тарбиянинг маданийлашувга таъсири. Маданий маконда кадриятларга муносабат. Бошқарув маданиятининг ўзига хос хусусияти. Бошқарув маданиятида раҳбар ва ходим муносабатларининг маданий омиллари. Тил - маданийлашув омили сифатида. Тил ва мулоқот. Нутқ маданияти. Халқ тили шакллари: шева, жаргон, диалект. Бадний тил. Индивидуал нутқ маданияти. Вербал ва невербал, ёзма ва оғзаки нутқ маданияти. Ворисийлик, ижодкорлик, мослашувчанлик, ижтимоий муҳит - маданийлашув омили сифатида. Маданият масканларининг жамият маданийлашувига таъсири (кинотеатр, театр, музей, тўғарак, ва ҳоказо).

Маданий тараққиётга ижтимоий муҳитнинг таъсири. Маданиятнинг шаклланишида инсон омили. Маданият ва иқтисодий барқарорлик уйғунлиги. Маданият ва эркинлик. Ижод - маданиятни ривожлантириш воситаси. Ижод ва маданият муносибати. Ижоднинг асосий белгилари: ижод маҳсулларининг янгилиги ва ижтимоий аҳамиятлилиги. Ижодий тафаккурда мантик ва интуиция. Ижодий фаолиятни ташкил қилишнинг ижтимоий маданий асослари. Ижодни маданий бошқариш. Жамиятдаги ислохотларнинг ижодий муҳитга таъсири. Маданиятлараро муносабатлар. Маданиятлараро

умумийлик. Миллий мустақиллик ва маданият. Маданият соҳасидаги ислохотларда давлатнинг ўрни ва аҳамияти. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида моддий ва маънавий маданиятнинг ривожланиш йўналишлари. Номоддий маданият объектлари – миллий маданий мерос сифатида. Жамоат бирлашмаларининг маданий тараққиётдаги ўрни. Ўзбекистоннинг халқаро маданий алоқалари. Маданият ва шахс. Шахснинг маданият билан узвийлиги: зиёилик; маданиятчилик; тарбиячилик.

Анъанавий маданиятнинг хусусиятлари. Янгилик билан мурасимчилик - анъанавий маданиятга хос хусусият сифатида. Инновацион маданиятнинг ўзига хос хусусиятлари. Инновацион маданиятда ишлаб чиқариш ва эҳтиёж уйғунлиги. XX – XXI асрда инновацион маданият шаклланишининг асосий омиллари. “Техноген маданият”: моҳияти, кўриниши, хусусиятлари. Техноген маданиятнинг бошқа маданият типлари билан алоқадорлиги. Техника - маданий муҳитни яратиш воситаси сифатида. Ахборот коммуникатив технологияларнинг маданиятга таъсири. Муҳандислик маданияти: хусусиятлари, эволюцияси, истиқболлари. Маданиятнинг биосферик концепцияси. Ахборотлашган жамият маданияти. Экран маданияти. Интернет тизими ахборот маконидан фойдаланиш маданиятида билимнинг кучи. Маданиятнинг оламшумуллиги ва инсониятнинг маданий бирлиги. Маданий ахборотлашув жараёни.

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА МАДАНИЯТГА ТАҲДИДЛАР:

“ОММАВИЙ МАДАНИЯТ”

“Оммавий маданият” тушунчаси ва унинг мазмуни. Шарқона маданият ва “оммавий маданият” кўринишлари. Глобаллашув жараёни ва миллий маънавият. Оммавий маданиятнинг структуравий – функционал таҳлили. Оммавий маданиятнинг ижтимоий асоси ва тузилиши. Оммавий маданиятнинг замонавий шакллари ва моҳияти. Моддий, номоддий, миллий, умуминсоний, локал, этник, субмаданият, контрмаданият, элитар ва оммавий маданият. Мафкуравий таҳдидларнинг “оммавий маданият” кўринишида намоён бўлиш хусусиятлари. Глобал тармоқлар орқали “оммавий маданият” таҳдидларининг таъсири. Ахборотлашган технологик давр ва маънавий тарбия. Интернет тармоқлари орқали кириб келувчи салбий таъсирларнинг олдини олишга оид халқаро тажриба. Ёшларда медиа-маданиятни шакллантиришнинг асослари. “Оммавий маданият” таҳдидларининг олдини олишнинг усуллари ва воситалари. “Оммавий маданият” таҳдидларининг олдини олишда миллий маданиятнинг ўрни. Ёшлар маънавиятини юксалтириш – “оммавий маданият” таҳдидларининг олдини олиш омили сифатида. Оммавий маданият: унинг ижобий ва салбий таъсири. Инсоннинг

ижтимоий бегоналашуви. Маданиятлараро зиддиятлар. Замоनावий маданиятнинг инкирози.

“ЭТИКА” ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ЖАМИЯТ ҲАЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ

“Этика” фанининг предмети, моҳияти, унинг асосий белгилари ва тузилмаси. Ахлоқнинг пайдо бўлиши. Гедонизм ва эвдемонизм тушунчаларининг ахлоқий аҳамияти. Этика фанининг фанлараро боғлиқлиги: фалсафа; эстетика; диншунослик, ҳуқуқшунослик, миллий ғоя, психология, педагогика, сиёсатшунослик, экология. Ахлоқнинг пайдо бўлиши ҳақидаги диний, эмпирик ва генетик концепциялар. Ўзбекистон мустақиллигининг этика фани ривожига конструктив таъсири. XXI асрда глобал этосфера (ахлоқий муҳит)ни яратишнинг зарурияти. Инсон, унинг инсоният олдидаги бурчи ва масъулияти.

Қадимги дунё ва ўрта асрларда ахлоқ ҳақидаги қарашлар тарихи. Қадимги Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари ижодида ахлоқ ҳақидаги қарашларнинг умумий томонлари ва фарқи. Қадимги Шумер, Вавилон ва Мисрдаги ахлоқий қарашлар. “Авесто” – Турон ва Эрон халқлари ахлоқий қонун-қоидаларининг манбаи. Қадимги Ҳинди-Хитой минтақасидаги ахлоқий қарашлар: буддавийлик, даоизм. Конфуций таълимотининг ахлоқий жиҳатлари. Қадимги Юнон ва Румо ахлоқшунослигида Сукрот ва Афлотун, Арасту ва Эпикур, Тит Лукреций Кар, Сенека ва Эпиктет ижодининг ўрни. Ўрта асрларда Шарқ ва Ғарб ахлоқшунослигининг асосий йўналишлари. Куръони Карим, Ҳадиси Шариф, Инжил – диний ахлоқий манба. Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий ижодида ахлоқ масаласи. Ал-Фаробий, Ар-Розий, Ибн Сино, Ибн Рушднинг ахлоқий қарашлари. Тасаввуф ахлоқшунослиги. Имом Ғаззолий, Жалолиддин Румий, Азизиддин Насафийнинг қомил инсон концепцияси. Темур ва темурийлар даврида Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомий, Хусайн Воиз Кошифий каби мутафаккирлар ахлоқий қарашларининг аҳамияти. “Қобуснома”, “Ахлоқи Муҳсибий”, “Баҳорнома”, “Тулистон” пандномаларининг инсон ахлоқий камолотидаги ўрни. Ўрта асрлар Оврүпа ахлоқшунослигида черков ақидаларининг устуворлиги: Фома Аквинский, Августин Блаженный. Уйғониш даври ахлоқий таълимотлари: Валла, Монтен, Макиавелли.

Янги ва энг янги давр ахлоқшунослиги. Янги давр ахлоқшунослигидаги рационал ва сенсуал йўналишлар: Спиноза, Локк, Шэфтебери, Олмон мумтоз ахлоқшунослиги: Кант, Шеллинг, Гегел, Фейербах, Иррационализм намоёндаларининг ахлоқ фалсафаси: Киркегард, Шопенгауэр, Ницше, XIX - XX аср рус мумтоз ахлоқшунослиги: В. Соловьёв, Н. Лосский, И. Ильин. Н.

Бердяев қонун этикаси, тавба этикаси ва ижод этикаси ҳақида. З.Фрейд ва Э.Фром психоанализи, Ж.П.Сартр экзистенциализми, М.Гандининг гайри зўравонлик ахлоқшунослиги, К.Ясперснинг ҳаётга эҳтиром ахлоқ фалсафаси, А.Швейцер универсал этика асосчиси. М.З.Қутку ва М.А.Жўшаннинг янги тасаввуфчилик ахлоқшунослиги. Туркистон маърифатчи-жадидларининг ахлоқий қарашлари: Аҳмад Дониш, Абай ва Анбар Отин. Абдулла Авлонийнинг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ”, Абдурауф Фитратнинг “Оила ва оилани бошқариш хусусида” номли асарларининг ахлоқий моҳияти. Шўролар даври ахлоқшунослиги. Мустақиллик даврида янги ахлоқий тафаккурнинг шаклланиши.

Этика фанининг асосий категориялари, тамойиллар ва меъёрлар. Этика категорияларининг ўзига хос хусусиятлари. Буюк мутафаккирлар этика категориялари ҳақида. Муҳаббат – ахлоқшуносликнинг энг асосий категорияси. Муҳаббатнинг турлари: Ватанга, миллатга, ота-онага, фарзандга, инсониятга, гўзаликка муҳаббат. Муҳаббат ва нафрат. Эзгулик ва ёвузлик; яхшилик ва ёмонлик; адолат ва адолатсизлик; бурч ва масъулиятсизлик; виждон ва виждонсизлик; номус ва беномуслик; бахт ва бахтсизлик; ҳақиқатпарварлик ва ёлгончилик, ҳаётнинг маъноси, идеал тушунчалари. Ахлоқий тамойиллар ва уларнинг шахс ва жамият муносабатларида намоён бўлиши. Ахлоқий тамойилларга тарихийлик нуктаи назаридан ёндашувнинг ўзига хос хусусиятлари. Ватанпарварлик; инсонпарварлик; эрқарварлик; фидоийлик; зиёлилик; меҳнатсеварлик; тинчликпарварлик; жўмардлик; ўзбекчилик; меҳмондўстлик. Иштиёр эркинлиги ва ахлоқий танлов. Ахлоқий меъёрлар: ҳалоллик ва нопоқлик; тўғрилиқ ва эгрилик; ростгўйлик ва ёлгончилик; инсофлилик ва инсофсизлик; хушфёъллик ва бадфёъллик; ширинсуханлик ва қўполлик; камтарлиқ ва мактачоқлик, вафо ва хиёнат; садоқат ва сотқинлик; масъулият ва лоқайдлик; орият ва бузқлик.

Никоҳ, оила ва давлатнинг ахлоқий асослари. Никоҳ энг қадимги ахлоқий муносабат шакли. Буюк мутафаккирлар оиланинг муқаддаслиги ҳақида. Никоҳда муҳаббатнинг зарурийлиги. Никоҳнинг қонуний ва диний асослари. Оиладаги ижтимоий-маънавий муҳитнинг фарзанд тарбиясига таъсири, эркак ва аёлнинг ўрни. Оила шаънини сақлашда ота-она ва фарзандлар масъулияти ва бурчлари; ажралиш ва унинг оқибатлари. Оилада ёшлар ва қарияларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда давлатнинг роли. Оилавий муносабатларга ноанъанавий ёндашувлар: бир жинсли никоҳлар, никоҳсиз оилалар ва уларнинг оқибатлари. Давлатнинг ахлоқий моҳияти. Давлатнинг оила тинчлиги ва барқарорлигини таъминлашдаги ўрни. Давлат томонидан ёш оилаларни ижтимоий муҳофаза қилинишининг аҳамияти. Оила шартномасининг ахлоқий жиҳатлари.

МУОМАЛА МАДАНИЯТИ ВА ЗАМОНАВИЙ АХЛОҚ

Муомала маданияти – ахлоқий маданиятнинг таркибий қисми. Муомала одобининг ижтимоий-тарихий аҳамияти. Муомала одоби ва унинг ахлоқий маданиятда намоён бўлиши. Этикет замонавий ахлоқнинг назарий ва амалий асоси. Асосий ахлоқий қадриятлар: хусусий ахлоқий қадриятлар; универсал ахлоқий қадриятлар; минтақавий ахлоқий қадриятлар. Касбий одобнинг ахлоқий маданият билан уйғунлиги; касбий эркинлик ва касбий бурчнинг ахлоқий моҳияти. Инсоннинг касбий одоби: олим одоби, журналист одоби, ҳуқуқшунос одоби, шифокор одоби, педагог одоби, муҳандис одоби, тадбиркор ва савдо ходими одоби ва ҳ.к. Шахс ахлоқий камолотида таълим ва тарбиянинг ўрни. Билим – шахсни мақсадга йўналтирувчи куч: кундалик билим, шахсий билим, диний билим, илмий билим. Ахлоқий ва жисмоний тарбия уйғунлиги. Тиббий ва экологик тарбиянинг ахлоқий асослари. Тана парваришининг тиббий тарбиядаги ўрни. Соғлом турмуш тарзининг баркамол авлод ахлоқий тарбиясидаги аҳамияти. Санъатнинг шахс ахлоқий тарбиясига таъсири: кино, мусиқа, кўшиқ, театр, бадиий асар. Шахс тарбиясига ижтимоий муҳитнинг таъсири: оила, жамоа, оилавий тадбирлар, гуруҳлар. Йўл ҳаракати қоидаларига амал қилишнинг ахлоқий мезонлари. Замонавий ахлоқий тарбиянинг ютуқлари ва камчиликлари. “Оммавий маданият”нинг ёшлар дунёқарашига таъсири. Замонавий ахлоқий тарбияда космополитизмга мойиллик.

Глобал жараёнларнинг шахс ахлоқий камолотига таъсири. Инсоннинг ҳаёт мазмунига ва ўлимга муносабати: маънавий-руҳий ва жисмоний азоб. Ижтимоий муҳофаза – ахлоқий зарурият. Биоэтика – амалий этиканинг назарий асоси. Эвтаназия: актив ва пассив эвтаназия. Клонлаштириш, трансплантация, ксенотарансплантация (инсонга ҳайвон органи ва тўқималарини ўтказилиши) ва донорлик диний этика нуқтаи назаридан. Этиканинг замонавий муаммоларига диний ва илмий ёндашувлар.

ЭСТЕТИКА: ФАОЛИЯТ ТУРИ ВА МУНОСАБАТЛАР.

“Эстетика” - нафосатни ўрганувчи қадимий фан. “Эстетика” фанининг объекти ва фалсафий моҳияти. Дунёни эстетик ҳис қилишга мифологик, диний, илмий ва фалсафий ёндашувлар. “Эстетика” ҳақидаги қарашлар тарихи. “Эстетика” ва ижтимоий фанларнинг ўзаро алоқадорлиги: фалсафа, этика, тарих, миллий ғоя, педагогика, психология, маънавият асослари, диншунослик, иқтисодиёт, экология, социология, табиий фанлар. “Эстетика”нинг структураси. Эстетик англаш, эстетик муносабат ва эстетик фаолият. Эстетик англаш тушунчаси ва унинг индивидуал характери. Инсоният тарихида эстетик англаш, муносабат ва фаолиятнинг талқини.

Эстетик билиш ва эстетик қадриятлар мутаносиблиги. Эстетик англашнинг асосий элементлари: эстетик эҳтиёж, эстетик муносабат, эстетик туйғу, эстетик дид, эстетик баҳо, эстетик идеал, эстетик қарашлар, эстетик назариялар. Шахс эстетик эҳтиёжи. Шахс эстетик идеали. Эстетик муносабатнинг ўзига хос хусусиятлари. Модернизация жараёнларида эстетик фаолиятнинг кўринишлари. Эстетик фаолият меҳнатнинг ўзига хос тури. Эстетик фаолиятнинг ижодий характери. Меҳнат, ўйин ва санъатнинг ўзаро муносабатлари. Эстетик фаолиятнинг турлари: халқ ижоди ва профессионал ижодий фаолият, бадиий фаолият ва унинг эстетик табиати, илмий фаолият, диний фаолият, ижодий фаолият, техник фаолият.

ЭСТЕТИКАНИНГ АСОСИЙ КАТЕГОРИЯЛАРИ.

“Эстетика” категорияларининг фалсафий мазмуни ва моҳияти. Фалсафа тарихида эстетика категориялари ҳақидаги тасаввурларнинг хилма-хиллиги. Гўзаллик эстетиканинг асосий категорияси. Эстетик тафаккур тарихида гўзалликка муносабат. Гўзаллик ҳақидаги тасаввурнинг ўзгарувчанлиги. Гўзалликнинг санъатда намоён бўлиши. Гўзаллик ва манфаат. Гўзаллик ва унинг муқобиллари: ҳунуклик, бадбашаралик, беўхшовлик, номутаносиблик. Улуғворлик категориясининг фалсафий моҳияти. Эстетик тафаккур тарихида улуғворлик ҳақидаги қарашларнинг ўзига хос жиҳатлари. Улуғворликнинг олами эстетик идрок этишга ижобий таъсири. Улуғворликнинг кўринишлари: табиатдаги улуғворлик, жамият улуғворлиги, инсон улуғворлиги. Улуғворликка миқдор ва миқёснинг таъсири. Улуғворликнинг санъатда намоён бўлиши. Улуғворликнинг тубанлик, худбинлик, соғқинлик билан зиддияти. Фожеавийлик (трагедия) категорияси. Фожеавийликка муносабатнинг турлари. Фожеавийликнинг намоён бўлиш шакллари: жамият ҳаётида; инсон фаолиятида; санъатда; бадиий асарда. Фожеавийлик ва эстетик идеал. Фожеавий қаҳрамон. Фожеавий жараён ва унга эстетик муносабат. Фориғлаш – катарсис фожеавий асарнинг хусусияти сифатида. Кулгилик категорияси. Эстетик тафаккур тарихида кулгиликка муносабат. Кулги ва унинг инсон ҳаётидаги ўрни. Кулги ҳолат. Кулгининг объектлари: турмуш воқеалари, санъат асари, бадиий асар, суҳбат мавзуси, мулоқот. Кулгиликнинг намоён бўлиш шакллари: ҳажв, ҳазил, мутойиба, киноя, кесатик, истехзо. Кулги, ҳазил-мутойиба ва унда меъёрнинг зарурияти. Комедия – санъат жанри. Кулгининг фориғлантириш хусусияти. Кулги ҳодисасининг соғлом турмуш тарзига таъсири. Кулгиликнинг демократик хусусияти. Эстетика категорияларининг ўзаро алоқадорлиги. Мўъжизавийлик, ҳаё (ибо-ҳаё) ва қизиқарлилик эстетика категорияларини ривожлантирувчи мезон сифатида.

ЭСТЕТИКАНИНГ ЗАМОНАВИЙ МУАММОЛАРИ

Табиат эстетикаси. Инсоният тафаккури тарихида табиатга эстетик муносабатнинг зарурияти ҳақидаги қарашлар. Инсоннинг табиатга муқобил эстетик муносабатлари. Табиатнинг эстетик хусусиятлари. Табиат эстетик фаолият объекти. Экологик эстетиканинг кадрият мақоми. Экология эстетикасининг ахлоқий муаммолари. Табиатни эстетик идрок этишнинг анъанавий ва ноанъанавий усули: табиатни асл ҳолида идрок этиш, табиатни бадий образларда ифодалаш. Экоэстетиканинг XXI аср илмий-техник тараққиётдаги ўрни. Техноген цивилизациянинг ишлаб чиқариш эстетикаси ва фан тараққиётига таъсири. Маиший турмуш эстетикаси ва унинг технологияси. Техника эстетикасининг ишлаб чиқариш ва ижтимоий жараёнлардаги ўрни. Техниканинг инсон эстетик манфаатлари ва фаолияти билан боғлиқлиги. Замонавий шаҳарсозлик эстетикаси. Дизайннинг эстетик хусусиятлари. Табиат ва маиший турмуш дизайни. Халқ амалий санъати ва дизайн. Санъат ва унинг турлари Санъатнинг предмети, мақсади ва вазифалари. Буюк мутафаккирлар санъатнинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ҳақида. Санъатнинг хусусиятлари: тарихийлик, маъжозийлик, демократлик, миллий ва умуминсонийлик. Санъатнинг тамойиллари: халқчиллик, ҳаққонийлик, ижодийлик. Санъатнинг турлари: бадий адабиёт, халқ амалий санъати, меъморчилик, рассомчилик, ҳайқалтарошлик, театр, кино, мусиқа, эстрада ва цирк, кўшиқчилик, рақс, аския, нотиклик, бадий сураткашлик, кироат санъати (бадий ўқиш); хаттотлик. Санъат турларида мафкура тамойилларининг инъикоси. Санъатга эстетик муносабатни шакллантиришда анъанавийлик ва замонавийлик бирлиги.

Соғлом турмуш тарзи эстетикаси. Соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда тарбия шаклланининг узвийлиги: эстетик тарбия, ахлоқ тарбияси, жисмоний тарбия. Соғлом турмуш тарзи эстетикаси тамойилларига анъанавий ва замонавий ёндашувлар. “Гўзал муҳитда яшаш - олий неъмат” тамойилининг эстетик мазмуни. Эстетик тарбиянинг турлари ва йўналишлари: - электрон ахборот воситалари, санъат, бадий адабиёт. Шахсни эстетик тарбиялашда фан, таълим ва маданиятнинг ўзаро боғлиқлиги. Меҳнат - турмуш эстетикасининг муҳим омили. Инсонда хулқ гўзаллигини шакллантиришнинг замонавий кўринишлари. Дидлилик ва фаросатлилик – юксак маданият белгиси. Фаросатсизлик шахс камолотидаги иллат. Инсон табиий гўзаллиги билан эстетик диднинг мутаносиблиги: орасталик, бачканалик. Шахс ва жамият эстетик маданиятининг муҳим жиҳатлари. Жамият ижтимоий-маънавий ҳаётининг эстетик маданият шаклланишига таъсири. Шахс ва жамият эстетик маданиятининг диалектик алоқадорлиги. Эстетик маданият юксалишининг миллий ва умуминсоний жиҳатлари. “Оммавий маданият”нинг

ёшлар эстетик дидига таъсири. Эстетик равақ ва унинг эстетик эҳтиёж ҳамда эстетик дид билан диалектик алоқадорлиги. Спорт ва унинг маънавий-эстетик жиҳатлари; спорт эстетикасининг замонавий аҳамияти. Инсон танаси ва турмуш тарзини гўзаллаштиришда спортнинг таъсири.

Техноген цивилизация - эстетик фаолият ва эстетик дидни шакллантиришнинг муҳим омили. Илмий-техникавий тараққиётни инсонийлаштириш ва гўзаллаштиришнинг эстетик муаммолари. Воқеликка эстетик муносабатнинг миллий ва умумбашарий аҳамияти. Эстетик кадриятлар – барқарорликни таъминловчи омил. “Дунёни гўзаллик қутқаради” шиорининг глобал аҳамияти. Оламни эстетик англашда жамият ахборотлашувининг роли. Ахборот эстетикасининг ўзига хос хусусиятлари ва унинг ижтимоий-сиёсий, бадий-ижодий, маънавий-ахлоқий жараёнлар билан боғлиқлиги. Рекламанинг эстетик хусусиятлари. Реклама фаолиятига эстетик қонуниятларнинг таъсири. Рекламалардаги гайриэстетик ҳолатлар ва уларнинг кўринишлари. Рекламанинг эстетик ғоясида миллийлик ва умумбашарийлик диалектикаси.

ДИНШУНОСЛИК. ДИН ВА УНИНГ ШАКЛЛАРИ

Диншунослик фанини ўқитишдан кўзда тутилган асосий мақсад. Уни миллий ва умуммиллий кадриятлар билан уйғунлаштирган ҳолда олиб бориш. Бу соҳада эришилган ютуқлар. Диннинг пайдо бўлиши ҳақидаги фикрлар. Динлар таснифи. Дин эътиқод сифатида. Дин ва қонуннинг ўзаро муносабатлари. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» ги Қонун. Динга берилган таърифлар. Диншунослик соҳалари. Динга социологик нуқтаи назардан ёндашув. Диннинг ижтимоий вазифалари: компенсаторлик; интеграторлик; регуляторлик; легитимловчилик; диннинг фалсафий, назарий жиҳатлари. Диний тафаккурнинг шахсий ёки ижтимоий илдизлари. Динлар таснифи: уруғ қабила динлари, миллий динлар, жаҳон динлари, монотеистик ва политеистик динлар. Диннинг ибтидоий шакллари. Ибтидоий диний онг асослари. Диний тушунчаларнинг инсон маънавий ҳаёти ва унинг ижтимоий муносабатларига таъсири. Тотемизм. Анимизм. Шаманизм (магия). Фетишизм. Ибтидоий мифология. Инсониятнинг ибтидоий маданият ўчоқлари ва улардаги диний тасаввурларнинг хилма-хиллиги. Қадимий динлар тарихини акс Озиқ-овқат топиш, шахсий ҳаёт хавфсизлиги, барҳаётлик, авлод қолдириш – инсоннинг энг қадимий ва асосий орзулари. Ўлим (мамот) ва дафн билан боғлиқ бўлган тасаввурлар, маросимлар ва урф-одатлар. Одамзот жамият бўлиб яшашига бўлган даври. Одамзотнинг жамият бўлиб яшашга ўтиши ва ибтидоий диний эътиқодлари. Илк табу (тақик) ва тотемлар ҳақидаги тасаввурларнинг юзага келиши, мифологиянинг шаклланиши. Ўрта Осиёнинг қадимги аҳолиси ва уларнинг диний тасаввурлари. Курбонлик келтириш урф-одатлари. Ўлим ва охирзамондан кейинги ҳаёт. Урван ва фраваша руҳлари. «Барча руҳлар»

байрами. Бошқа диний маросимлар. Шаманизмда рухонийнинг эътиқод килувчилар орасидаги ўрни. Шаман ва бошқаларнинг руҳлар ҳақидаги тасавурлари. Шаманизм динининг замонавий кўринишлари.

Миллий динлар. Миллий динлар ва уларга хос хусусиятлар. Яхудийликнинг вужудга келиши ва таълимоти. Яхудийликда мессия – халоскорнинг келиши ҳақидаги таълимот. Яхудийликдаги оқим ва йўналишлар. Садуқийлар, Фарзийлар, Ессейлар. Яхудийлик манбалари. Мусо пайғамбарга Тур тоғида берилган Тора (Таврот). Талмуд, Мишна ва Гемара шарҳлари. Яхудий маросимлари ва байрамлари – Пейсах (Пасха), Шабуот, Йом-Кипур – покланиш, Рош-Ашона, Пурим (Қуръа). Яхудийликнинг Марказий Осиёга кириб келиши. Веда ва веда динлари. Ведалар. Ведалардаги афсонавий худолар. Браҳманлик. Браҳманлик таълимотида касталар: браҳманлар; кшатрийлар; вайшлар; шудралар. Браҳманликдаги руҳнинг кўчиб ўтиш ҳақидаги таълимот. Ҳиндуийлик. Ҳиндистондаги каста тузумини сақлаб қолиш учун бўлган ҳаракат. Браҳманлик билан буддизм ўртасидаги кураш. Браҳманликда тан олинган асосий уч худо: 1) Брахма; 2) Вишну; 3) Шива, Ҳиндуийлик таълимоти. Ҳиндуийликдаги жаннат ва дўзах ҳақидаги тушунчалар. Конфуцийчилик. Қадимги Хитойда Кун-Цзи фалсафий таълимотининг пайдо бўлиши. Конфуций – қадимги Хитой файласуфи ва педагоги, конфуцийчиликнинг асосчиси. Конфуцийнинг ижтимоий-фалсафий ва ахлоқий ғоялари. Конфуций ишлаб чиққан идеал, олий инсон, асл, мард киши концепцияси. Конфуцийчиликнинг, диний манбаси. Конфуцийчиликда диний маросимлар: никоҳ, дафн этиш ва қурбонлик, Пин-Цзин маросимлари; Осмон Худоси-конфуцийчиликнинг бош худоси. Конфуцийнинг илоҳийлаштирилиши. Зардушт ҳаёти ва фаолияти. Зардушт таълимоти. Зардуштийликнинг шох Виштаспа томонидан қўллаб-қувватланиши. Авесто зардуштийлигининг муқаддас манбаси. Кўпхудоликдан яккахудоликка ўтиш. Зардуштнинг ватани ҳақидаги баҳслар. Зардуштийликнинг диний таълимоти. Ахурамазда. Ахриман. Ҳар бир киши устидан ҳисоб-китоб ўтказилиши, қиёмат (охирзамон), жаннат, жаҳаннам, аросат, танларнинг қайта тирилиши, тана ва руҳнинг қайта бирикиб, барҳаёт бўлиши ҳақидаги тасавурлар. Зардуштийлик расм-русумлари. Олов тозаланиш рамзи сифатида. Ўтганлар руҳи. Дахмалар. Остодонлар. Зардуштийликнинг Яқин ва Ўрта Шарк мамлакатларига тарқалиши. Ҳозирги кунга қадар сақланиб қолган зардуштийликка оид таълимот, қараш ва урф-одатлар. Даосизмнинг вужудга келиши. Даосизм – фалсафий таълимот. Даосизмнинг фалсафий тамойиллари баён этилган «Дао-Дэцин» китоби. Хитой донишманди Лао-Цзининг тарихийлиги масаласи. «Дао» – ҳаёт тарзи. Буддавийлик асосчисининг шахси. Буддавийлик таълимоти. Буддавийликнинг тарқалиши. Буддавийлик манбалари. Будда Шакьямуни ҳаёти ва таълимоти. Роҳиблар ва __ илм. Император Ашока (мил. ав. 273-232 йиллар) даврида буддизмнинг шимолга тарқалиши. Кушон империяси ҳудудида буддавийликнинг қарор топиши. Христианлик жаҳон дини. Исо Масих (Иисус) ҳаётига доир илмий баҳслар. Яхудийлик доирасида илк христиан жамоаси. Муқаддас китоблар. Асосий ақидалар ва амаллар. Рухонийлар ва жамоа. Черков ташкилоти. Илоҳиёт илми

соҳасидаги мактаблар. Диний фалсафа. Христиан черковидаги бўлинишлар. Черков тарихи. Католик, православ, протестант йўналишлари. Роҳиблик. Христиан дини ва санъат.

ИСЛОМ: МАЗҲАБЛАР ВА ҒОЯВИЙ-СИЁСИЙ ОҚИМЛАР.

«Жоҳилия» даври арабларининг диний анъаналари ва кўпхудолик. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ – диний раҳнамо ва давлат арбоби. Набий ва Расул сўзларининг маъноси. «Шаққи садр» воқеаси. Пайғамбарнинг Хадича бинт Хувайлидга уйланиши. Каъбанинг таъмир этилиши. Ҳиро ғорида ваҳийнинг нозил бўла бошлаши. Яширин тарғиботнинг бошланиши. Илк мусулмонлар ва уларга Макка мушриклари томонидан тазйиқ кўрсатилиши. Ҳабашистонга ҳижрат ва Нажошийнинг мусулмонларга муносабати. «Исро ва Меърож» воқеаси. Мадинага ҳижрат. «Бадр» жанги. Илк ислом давлатчилик муносабатларининг вужудга келиши. Худайбия шартномаси. Макканинг фатҳ этилиши. Исломнинг асосий манбалари. Қуръоннинг 23 йил мобайнида нозил бўлиши. «Қуръон» сўзининг маъноси. Унинг таркиби. Сураларнинг нозил бўлиш даврига қараб тақсимланиши. Макка суралари. Мадина суралари. Илк «Сухуф» - Қуръон оятларининг жамланиши. Халифа Усмон ибн Аффон даврида. Қуръоннинг китоб ҳолига келтирилиши. Тошкентдаги Усмон Мусхафининг тарихи. Қуръонни ўрганиш асосий мактабларининг вужудга келиши. Уни тушуниш, таъкид этишда турли ёндашувлар. Қироат, тафсир, сарф-наҳв, носих ва мансук, сабаби нузул каби Қуръон илмларининг тараққиёти. Ҳадис. Ал-Ҳадис ан-набавий. Ал-Ҳадис ал-қудсий. Ҳадислар ислом динининг Қуръондан кейинги манбаи. Ҳадисларни йиғиш (талаб алим) ва жамлаш (VIII-IX асрлар). *Муснад*, *сунан*, *сахих* ҳадис тўпламларининг вужудга келиши. Машҳур муҳаддислар. Имом ал-Бухорий – буюк муҳаддис. Ислом таълимотининг кейинги даврдаги тараққиёти ва ахлоқ меъёрларини ишлаб чиқишда ҳадисларнинг ўрни. Тасаввуф таълимоти. Нақшбандия. Кубровия. Яссавия. Ҳозирги замонавий тариқатчилик.

Исломдаги йўналишлар. Сиёсий партия, ҳаракат, фирка ва гуруҳлар. Ақидавий таълимотлар. Фикҳий мазҳаблар. Исломдаги илк бўлинишларнинг бошланиши. Ҳокимият масаласидаги турли фикрлар. Сиффиъ воқеаси. Хорижийлик йўналиши ва таълимоти. Мўътазилыйлик асосчиси ва таълимотлари. Шиъа йўналишининг мазҳаб ва таълимотлари. Исмоилия. Қарматийлик таълимоти ва ҳаракатлари. Суннийлик ақидаси ва мазҳаблари. Ҳанафийлик мазҳаби. Тасаввуф йўналиши ва тариқатлари. Яссавия, Кубравия, Нақшбандия тариқатлари. Замонавий суфийлик таълимотлари. Мотуридия ва Ашъария ақидавий таълимотлари. Ваҳҳобийлик ҳаракатининг келиб чиқиши. Ваҳҳобийликнинг Марказий Осиёда тарқалиши. XX асрдаги ислоҳотчилик ҳаракатлари. Панисломизм, панарабизм, пантуркизм тушунчалари. Таблиг гуруҳи. Ихвонул муслимин ташкилотининг тузилиши, турли фирқаларга бўлиниши. Ҳизбут таҳрирнинг шаклланиши, таълимоти, мақсадлари. Нурчилик ҳаракатлари, мақсадлари. Акротийлик ҳаракатлари ва уларнинг аянчлиқоқибатлари. Фундаментализмнинг вужудга келиши. Биринчи жаҳон христиан фундаменталистлари ассоциациясига асос солиниши. Экстремизми

келтириб чиқарувчи омиллар. Терроризмга қарши курашда маърифий исломнинг роли. Радикал диний оқимлар. Фанатизмнинг салбий оқибатлари.

Миссионерлик ва прозелитизмнинг салбий оқибатлари. Миссионерликнинг келиб чиқиши. Мақсад ва ғояси. Дастлабки миссионерлик фаолияти. Августин бошчилигидаги миссионерларнинг Британияга жўнатилиши. «Салб юришлари» ва миссионерлик. «Муқаддас Ерни озод қилиш» шиори. XIII-XVI асрларда христиан миссионерлигининг Ҳиндистон, Хитой ва Японияга ҳам кириб бориши. Миссионерликнинг ташкилий асослари. Жаҳондаги миссионер ташкилотлар. «Халқаро миссиялар кенгаши» ва «Бутунжаҳон черковлари кенгаши» фаолияти. Прозелитизм. Прозелитизм келтириб чиқараётган салбий оқибатлар. Ёшларга таҳдиди, миллий кадриятларнинг емирилишига ҳаракат. Миссионерлик сиёсий восита сифатида. Миссионерликка қарши курашнинг мафкуравий ва ҳуқуқий асослари. Миссионерлик – диний бағрикенглик ва миллий тотувликка зарба. Дунёнинг диний манзараси. Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган диний конфессиялар. Миссионерликнинг мазмун-моҳияти. Замонавий миссионерлик уюшмалари. Инжиллаштиришдан кўзланган мақсадлар. Миссионерлик услублари ва воситалари. Марказий Осиё минтақасида миссионерлик ҳаракатларини кучайтиришга уринишлар. Миссионерликнинг олдини олишнинг ҳуқуқий асослари. Диний маърифат ва бағрикенглик – конфессиялараро ҳамкорлик ва барқарор тараққиёт омили.

Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар. Виждон эркинлиги – диний эътиқод эркинлиги. Ўзбекистон Республикасида виждон эркинлигининг қонуни кафолатланиши. Диний экстремизмга йўл қўймаслик чораларини кўриш. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар масаласи. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг уставида виждон эркинлигининг ўз ифодасини топиши. Бу масаланинг давлат, жамият ва диний ташкилотлар орасидаги муносабатларнинг мустақамланишидаги аҳамияти. Кишилар эътиқодининг турлилиги. Мустақиллик ва дин. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси томонидан виждон эркинлигининг кафолатланиши. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» ги янги таҳрирдаги қонуннинг қабул қилиниши. Ўзбекистонда амалда бўлган турли диний конфессиялар. Маънавиятнинг тарихан қарор топиб боришида маданият ва диннинг ўрни. Дунёвий давлатда диннинг ўрни. «Дунёвийлик – даҳрийлик эмас» тамойилининг моҳияти. Дин сиёсийлашувининг салбий оқибатлари. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари. Ўзбекистон мустақиллигини мустақамлашнинг назарий асоси эканлиги. Дунёқарашлар эркинлигини таъминлаш жараёнида ҳар бир одамда шахсий фикр, мавқенинг шаклланиши.

СИЁСАТ ФАЛСАФАСИ.

Сиёсий фалсафанинг предмети ва шаклланиши; Сиёсий мавжудот.: Сиёсий фалсафанинг предмети ва шаклланиши Сиёсий олам сиёсий ва фалсафий акс еттириш объекти сифатида. Ижтимоий ва гуманитар билимлар тизимидаги сиёсий фалсафани ўрни. Сиёсий фалсафа ва фалсафа. Сиёсий фалсафа ва сиёсатшунослик. Сиёсий фалсафа ва амалиёт. Сиёсий фалсафанинг

олд шартлари. Қадимги, ўрта асрлар ва сиёсий -фалсафий билимлар. Янги давр. Замонавий сиёсий фалсафа. Сиёсий фалсафа ривожланишининг асосий тенденциялари. Сиёсий мавжудот Сиёсий дунёнинг табиати. Сиёсий соҳанинг жамият тузилишидаги ўрни. Антик даврнинг сиёсий онтологияси. Сиёсий илоҳиёт. Ўрта асрлар сиёсий ижодиёти ва эсхатологияси. фалсафа.. Консенсус замонавий сиёсий концепцияларда сиёсий ҳаётни моделлаштириш усули сифатида. Сиёсий ҳаётнинг постмодернистик талқинлари. Сиёсатнинг интеграцион роли.

Сиёсий макон. Макон тушунчаси ва унинг сиёсий билимлар учун аҳамияти. Сиёсий маконнинг узунлиги ва дискретлиги. Сиёсий-географик ва тизимли (шартли) сиёсий макон. Сиёсий ҳодисалар ва фазодаги ўзгаришларни трансляция қилиш механизмлари. Геосиёсат миллатлараро манфаатлар онтологиясининг ифодаси сифатида. Сиёсий жараёнларнинг глобаллашуви ва қисқариши замонавий сиёсий майдон. Кўп қутбли дунё муаммоси. Сиёсий маконнинг тузилиши. Сиёсий маконга цивилизацион ёндашув (Н. Данилевский, О. Спенглер, А. Тойнби назариялари). С. Хантингтоннинг цивилизациялар тўқнашуви концепцияси.

Сиёсат қонуниятлари Классик (Нютон) ва постклассик дунё сиёсий манзараси. Сиёсат ва синергетика. Сиёсий жараёнларнинг схолстик табиати. Сиёсат шаклларнинг хусусиятлари. Карл Поппер назарияси. Сиёсий детерминизм. Сиёсатда тасодифийлик. Сиёсий зарурат муаммоси. Сиёсатнинг ўзгариши. Сиёсий танлов. Сиёсий телеология. Кучнинг мавжудлиги. Кучнинг мавжудлиги Дунёнинг классик расмидаги куч парадигмаси (Н. Макиавелли, Т. Гоббес, Ж. Локк). Қувват муносабатларининг ассиметрияси. Қувват ютуқ сифатида рационалдир. “Мақсадли эгоизм”ни қондириш усули сифатида моддий мақсадлар қизиқиш. Қувват ва қуч. Қувват турларининг хилма - хиллиги. Сиёсий куч. К. Маркс, Ф. Ницше, М. Вебер, Б. Расселнинг сиёсий - фалсафий тушунчаларидаги куч. Постмодернизм фалсафасида ҳокимият муаммоси (М. Фуко). Кучнинг эзотериклиги ва рационаллиги. Қувватнинг мантиқсиз намоён бўлиши. Маданий гегемонлик муаммоси. Ўзбекистонда ҳокимиятнинг анъаналари ва хусусиятлари.

Давлат – манфаатларни мувозанатга келтириш сиёсий институти. Ижтимоий қарама-қаршиликлар тушунчаси, унинг юзага келиш сабабалари. Давлат амал қилишга эҳтиёжнинг сақланиб қолиши. Давлат ўз худудида инсонларнинг (фуқароларнинг) тенглиги, озодлиги, тинчлиги, хавфсизлиги, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маҳнавий-ҳуқуқий манфаатларни таъминлашнинг кафолати эканлиги. Давлат ўз худуди доирасида инсонларнинг эркин фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган ички, тартиб, интизом, сиёсий ва ижтимоий барқарорликнинг таъминловчи сиёсий институт эканлиги.

Давлат ҳокимиятида легаллик ва легитимлик, суверенитет ва яхлитлик. Сиёсатда адолат, маънавият ва ахлоқ масалалари. Сиёсатда очиклик, ёпиқлик, махфийлик ва шаффофлик меъёрлари. Сиёсий расмиятчилик, секуляр ва теологик сиёсий қарашлар, сиёсатда бахт-саодат назарияси. Либерализм ва консерватизм, социал демократия, тоталитаризм

ХУҚУҚ ФАЛСАФАСИ.

Хуқуқ фалсафасининг предмети, методи ва вазифалари. Хуқуқ фалсафасининг фанлар тизимида тутган ўрни. Хуқуқ фалсафасининг методи – ҳақида эса ҳар қандай назарияда бўлгани сингари, фалсафий, ҳуқуқий назария предмети ва методининг ўзаро боғлиқлиги ва бирлиги ҳам умумий кўриниши шундан иборатки, метод бу унинг амал қилиб турган (унинг шакилланаётган, ташкил этилаётган ва билиш таъсиридаги) предмети, предмет эса методнинг билиш билан боғлиқ маъно-мазмунининг тизимли-ташқилий ифодаси эканлиги тушунтирилади.

Хуқуқ фалсафаси тарихи ва замонавийлик. Антик даврнинг фалсафий-ҳуқуқий концепциялари. Ўрта асрнинг фалсафий-ҳуқуқий концепциялари. Янги давр ва энг янги давр ҳуқуқ фалсафаси концепциялари. Россияда ҳуқуқ фалсафаси. Хуқуқ фалсафаси ривожланиши жараёнида анъанавийлик ва янгилик. Хуқуқ фалсафаси тарихининг замонавий фалсафий-ҳуқуқий тадқиқотлар учун аҳамияти. Хуқуқ эркинлик шакли ва ўлчови сифатида. Хуқуқ тенг ўлчов сифатида. Хуқуқ эркинликнинг умумий ва зарур шакли ҳамда тенг ўлчови сифатида. Хуқуқий эркинликнинг умумий нормаси бўйича бир субъект эркинлигининг бошқа субъектлар эркинлиги билан мувофиқлаштирилиши. Хуқуқий эркинликнинг тузилмаси ва чегаралари. Хуқуқдаги рухсат бериш (жоизлик) ва тақиқлар. Хуқуқ эркинлик шакли ва ўлчови сифатида Хуқуқ тенг ўлчов сифатида. Хуқуқ эркинликнинг умумий ва зарур шакли ҳамда тенг ўлчови сифатида. Тенглик, эркинлик ва адолатнинг ҳуқуқий синтези. Хуқуқда тенглик, эркинлик ва адолатнинг бирлиги жиҳати. Хуқуқий тенглик эркинлик ва адолатнинг ифодаланиши сифатида. Хуқуқий тенглик ва адолатни инкор этувчи эркинлик қуч ишлатиш ва имтиёз сифатида. Адолат тенглик ва эркинликнинг ҳуқуқий ифодаланиши сифатида.

ХУҚУҚ ВА ҚОНУН

Хуқуқ ва қонуннинг фарқланиши ва нисбати ҳуқуқ фалсафасининг бирламчи ва асос бўлувчи муаммоси сифатида. Хуқуқ фалсафаси, ҳуқуқшунослик ва қонуншунослик. Хуқуқни тушунишнинг икки асосий типи: ҳуқуқни тушунишнинг ҳуқуқ ва қонун ўртасидаги тафовутни белгиловчи юридик типи ҳамда ҳуқуқ ва қонунни айнан бир нарса деб билувчи ҳуқуқни тушунишнинг легистик типи. Хуқуқни тушунишнинг юридик типи ичидаги ҳар хил назариялар: табиий-ҳуқуқий таълимотлар, либертар-юридик назария. Хуқуқ ва қонуннинг фарқланиши ва нисбати концепциялари тарихи. Хуқуқий қонун ва ҳуқуқни бузувчи қонунчилик муаммоси. Табиий ҳуқуқ ва позитив ҳуқуқ. “Табиий ҳуқуқ” тушунчасининг “позитив ҳуқуқ” тушунчаси билан нисбатида фалсафий-ҳуқуқий аҳамияти. Табиий ҳуқуқ концепцияси (унинг

позитив ҳуқуқдан фарқланиши ва у билан нисбатида) ҳуқуқ ва қонунни фарқлашнинг умумий назариясида хусусий ҳоллардан бири сифатида. Позитив ҳуқуқ ҳуқуқ фалсафаси объекти сифатида. Қадимги давр, ўрта асрлар, Янги давр ва энг янги даврнинг асосий табиий-ҳуқуқий концепциялари. Умумий манфаат концепцияси ва унинг фалсафий-ҳуқуқий аҳамияти. “Умумий манфаат” тушунчаси ҳуқуқ фалсафасининг фундаментал категорияси сифатида Антик давр, ўрта асрлар, Янги давр ва энг янги даврнинг фалсафий-ҳуқуқий концепцияларида умумий манфаат ғояси. Умумий манфаат, тенглик ва адолат. Давлат ва қонун умумий манфаат ифодаланиши ва қарор топиши шакли сифатида. Умумий манфаат концепциясида манфаатларнинг мувофиқлаштирилиши ва мurosаси. Умумий манфаат концепциясида индивидуал манфаатнинг ўрни ва аҳамияти. “Умумий манфаат”, “умумий ирода”, ва “барчанинг иродаси” тушунчаларининг фалсафий-ҳуқуқий таҳлиди, уларнинг фарқланиши ва нисбати.

Фойдаланиладиган дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати

Раҳбарий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2020.
2. «Виджон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» ги Ўзбекистон
3. Республикасининг қонуни (янги таҳрири) // Ўзбекистоннинг янги қонуни, № 19. – Т.: Адолат, 1998. 224-234-бетлар.
4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 488 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2021. – 464 б.
6. Каримов И.А. Асарлар тўплами. 1-24 жилдлар. – Т.: Ўзбекистон, 1996-2016.
7. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
8. 2011.

Асосий адабиётлар

1. Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. Дарслик. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2010.
2. Абдулла Шер. Эстетика. Дарслик. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2014.
3. Абдуллаев М. Маданиятшунослик асослари. Т.: Фарғона, 1998.
4. Абдуллаев М., Умаров Э., Очилдиев А. Маданиятшунослик асослари. – Т.: Турон-икбол, 2006.
5. Абдурахмонов М., Раҳмонов Н. Маданиятшунослик. – Т.: Университет, 2011.
6. Ахмедова Э, Губайдуллин Р.. Культурология. Мировая культура. – Т.: Академия художеств Узбекистана, 2001.
7. Бычков В.В. Эстетика. / Учебное пособие. – М.: Академический проект, 2011.
8. Золкин А.Л. Эстетика / Учебник для ВУЗов. – М.: Юнити, 2009.
9. Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. / Қ.Назаров таҳрири остида. – Т.: Шарқ, 2004
10. Ислоҳ ва ҳозирги замон: ўқув қўлланма. Масъул муҳаррир Ш.Ёвқочев. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-мағбаа бирлашмаси, 2010. – 207 б.
11. Курбанмамадов А. Из истории эстетической мысли в Средней Азии (эпоха древности и раннего средневековья). / Учебное пособие – Т.: НУУз, 2007.
12. Мўминов А., Йўлдошўжаев Х., Раҳимжонов Д., Комилов М., Абдусатторов А., Орипов А. Диншунослик. Дарслик / Масъул муҳаррир акад. Иброхимов Н.И. – Т.: Меҳнат, 2004. – 296 б.

13. Назаров Қ. Аксиология – қадриятлар фалсафаси. – Т.: ЎФМЖ, 2004.
14. Нурматова М. Шахс камолотида ахлоқий ва эстетик қадриятлар уйғунлиги. – Т.: Университет, 2009.
15. Нурматова М., Муҳаммаджонова Л. Маънавиятнинг ахлоқий асослари / Ўқув қўлланма. Масъул муҳаррир Б.Хусанов. – Т.: Университет, 2013
16. Нурматова М., Абдуллаева Н. Ахлоқий ва эстетик маданият / Ўқув-услубий қўлланма. – Т.: Университет, 2013
17. Очилдиев А. Маданият фалсафаси. – Т.: Муҳаррир, 2010.
18. Умаров Э. Эстетика (Нафосатшунослик). / Дарслик. – Т.: Ўзбекистон, 1995.
19. Фалсафа қисқача изоҳли луғат. АК. Жалолов, М. Абдуллаева таҳрири остида. – Т.: Шарқ, 2004.
20. Фалсафа комусий луғат. Назаров Қ. таҳрири остида. – Т.: Шарқ, 2004.
21. Шермухамедова Н.А. Фалсафага кириш (электрон дарслик). www.ziyounet.uz
22. Шермухамедова Н.А. Фалсафа- ўқув услубий мажмуа. Т.: Ношир, 2012
23. Шермухамедова Н. Falsafa va fan metodologiyasi. Toshkent 2009
24. Шермухамедова Н.А. Илмий тадқиқот методологияси. Т.: Нишон ношир, 2013.
25. Ҳасанов А., Комилов М., Уватов У., Азимов А., Раҳимжонов Д., Зоҳидов Қ., Ислоҳ тарихи. Дарслик. – Т.: «Тошкент ислом университети» мағбаа-нашриёт бирлашмаси, 2008.
26. Хусанов Б., Гуламов В. Муомала маданияти. Дарслик. – Т.: Иқтисод-молия, 2009.
27. Нерсесянц В.С. “Хуқуқ фалсафаси” 1997 йил
28. Қодиров А. Сиёсат фалсафаси. Т. 2005.

Кўшимча адабиётлар:

29. Абдуллаев М. Эстетик маданият: назарий-методологик жиҳатлар. – Т.: Фан, 2007.
30. Абдуллаев Р. Обряд и музыка в контексте культуры Узбекистана в Центральной Азии. – Т.: Фан, 2006.
31. Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳиҳ ал-Бухорий: 2 жилд. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008.
32. Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар // Беруний А.Р. Танланган асарлар, I том. – Т., 1968.
33. Алиқулов Ҳ. Фалсафий мерос ва маънавий-ахлоқий фикр ривож. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2009.
34. Арасту. Поэтика. Ахлоқи Кабир. – Т.: Янги аср авлоди, 2004.
35. Арзиматова И. Эстетик маданият. – Т.: Фан, 2007.
36. Ахунджанов Э.А. Письменная культура Средней Азии. – Т.: 2000.

83. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти,
2008

84. Қаршиев Ш. “Маънавий маданият ва исломий кадрият”
“Зарафшон” нашриёти ДК, Самарқанд – 2010

85. Аллаярова М.М. “Бадий-эстетик тарбия ва маънавият”
(Монография) Самарқанд – 2016

Интернет ресурслари:

86. www.ziyounet.uz

87. www.philosophy.ru.

88. <http://www.intencia.ru>.

89. <http://www.anthropology.ru>

90. <http://www.ido.rudn.ru>.

91. <http://www.filosofia.ru>.

92. <http://www.falsafa.dc.uz>.

93. <http://www.phenomen.ru>.

94. <http://www.lib.ru/filosof>.

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРА
ИХТИСОСЛИКЛАРИГА КИРИШ СИНОВЛАРИ УЧУН МАХСУС
ФАНЛАРДАН ДАЪВОГАРЛАРНИНГ БИЛИМЛАРИНИ БАҲОЛАШ
МЕЗОНИ**

Синов топшириш шакли	Ўзма
Ажратилган вақт	120 дақиқа
Саволлар сони	5
Ҳар бир савол учун белгилашган балл	20
Максимал балл	100
Ўтиш бали	55